

## Пудрат Шартномаси

№ 03

2022 йил “29” 06

Наманган туман

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган **Наманган сув таъминоти МЧЖ Наманган тумани бўлими** номидан Низом асосида иш кўрувчи С.Мамадалиев бир тамондан ва кийинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «**ROYAL LUX SAVDO QURILISH**» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Х Ташбаев иккинчи томондан ва кейинги ўринларда “Инвестор” (маблағ билан таъминловчи) деб юритиладиган Наманган туман ҳокимлиги номидан Низом асосида иш юритувчи С.Мўминов учинчи томонидан Наманган туман **Паст Киёт МФЙ** ҳудудини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик сув тармоқларини мукаммал тамирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

### I. Атамалар

Мазкур шартномада қуйдаги атамалар қўлланилади: Ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларини бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларига мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар техник паспортлар ва орна тилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкиялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар айрим масулятли конструкиялар оралиқ даврида қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда нормалари ва қойдаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар

- ✓ Таъмирланадиган майдони- маскур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича буюртмачи томонидан пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.
- ✓ Вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан ичимлик сув тортиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- ✓ Яширин (беркитиладиган) ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкиялар билан беркитилган ишлар;
- ✓ Шартнома нархини билиб чиқиш – ишларнинг хар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ишлар;
- ✓ Инвестор – маблағ билан таъминловчи.

### II. Шартнома мазмуни.

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихала кўзда тутилган, яъни шартнома бўйича Наманган туман **Паст Киёт МФЙ** ҳудудини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик сув тармоқларини мукаммал таъмирлашга доир мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитлари яратиш ва уларни қабул қилиш, «Инвестор» эса белгиланган тартибда маблағ билан таъминлашни амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

### III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан, Наманган туман **Паст Киёт МФЙ** ҳудудини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида ичимлик сув тармоқларини тортишга доир ишларни барча солиқлар билан жорий нархларда **175 120 000 (Бир юз етмиш беш миллион бир юз йигирма минг) сўми** ташкил этади.
3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйдаги ҳоллар эса бундан мустасно:
  - ✓ таъмирлаш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
  - ✓ ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
  - ✓ объектнинг қурилиши турли сабаблар билан узайтириб юборилганда.
4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча келишув (битим) билан расмийлаштирилади.

### IV. Пудратчининг мажбуриятлари

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
  - ✓ Лойиха-смета харажатлари “Пудратчи” томонидан тўланади. “Пудратчи” лойиха-смета харажатларини бажарилган ишлар учун тузилган Ф-2 далолатномаларга киритади.;

- ✓ Таъмирланадиган худудга зарур қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар, асбоб ускуналар, бутловчи қисмлар ва буюмлар, қурилиш техникаси (машина механизмалар)ни етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
- ✓ таъмирлаш майдони худудда вақтинчилик иншоотлар қуриш;
- ✓ пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачини хабардор қилиш;
- ✓ таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкаларини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқларни ўрнатиш;
- ✓ мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда таъмирлаш майдонидаги ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб ускуналар, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвектарлар, қурилиш материалари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
- ✓ мазкур шартнома бўйича сув тармоқларини бажарилган ишларни қабул қилиб олиш тўғрисида далолатнома имзоланган кундан бошлаб объектда таъмирлаш даврида фойдаланилган коммунал хизматлар (электр энергия, табиий газ, ичимлик ва оқава сувлари) тўловлари амалга ошириб бориш;
- ✓ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ҳамда ёлланган субпудратчилар билан биргаликда зарур тарзда бажарилиши ва таъмирланган сув таъминотини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириши учун Буюртмачи ва Инвестор олдида тўлиқ хамда мулкый жавоб беради.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари.**

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
- ✓ мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда пудрат ишларни бажариш учун Ичимлик суви тортиш тугаллангунгача бўлган даврда шарт-шароит яратиб беради;
  - ✓ Сув тортиш ишларини тўлиқ назорат қилиб боради ва ишлар якунлангандан сўнг амалдаги тартибларга асосан объект қабул қилиб олади. Пудратчига Инвестор орқали шартноманинг шартларига мувофиқ бажариладиган ишларни 30% миқдоридан бўнак (аванс) беришни амалга ошириш;
  - ✓ Сув тортиш ишларини тўлиқ назорат қилиб боради ва ишлар якунлангандан сўнг амалдаги тартибларга асосан объектни қабул қилиб олади.

#### **VI. Инвестор-маблағ билан таъминловчининг мажбуриятлари.**

8. «Пудратчи» томонидан барча ишларини мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган куч (субпудратчи)лар билан бажариб, Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширган ишлари бўйича «Буюртмачи»нинг талабига асосан тўловларни амалга ошириш;

9. Мазкур шартномада назарда тутилган маблағ билан таъминлаш мажбуриятларини тўлиқ хажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

10. Буюртмачининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ва унинг умумий харажатлари учун бажарилган ишлар қиймати миқдоридан тўловни амалга ошириш;

11. Мазкур шартномада назарда тутилган ўзига тегишли мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **VII. Ишларни бажариш муддатлари.**

12. Ишлар шартнома юридик кучга эга бўлиб, олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин 20 календар кун давомида тўлиқ бажариб бўлиниши лозим.

#### **VIII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар.**

13. Инвестор Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг Буюртмачининг талабига асосан 70 фоизини бажарилган ишлар тўғрисида ҳужжат тақдим этилгандан сўнг 90 кун ичида тулик ҳисоб-китоб қилишни ўз зиммасига олади.

14. Объект Буюртмачига тоширилгунга қадар объектнинг тасодифан йуқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

#### **IX. Ишларини бажариш.**

15. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларни тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан конструкцияларни оралик қабул қилиш дололатномалари яширин ишлар текшируви дололатномалари (Акт скрытых работ) билан тасдиқланади.

16. Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида ёзма равишдаги рұхсатномасидан сўнг Пудратчи кейинги ишларни бажаришга киришади.

17. Агар яширин ишлар буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган булса ёки Буюртмачи бу ҳақда хабардор қилинмаган булса, Пудратчи Буюртмачининг талабига кўра яшириш ишларни исталган қисмини ўз ҳисобдан очишга, сўнгра эса уни қайта тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларида» майда четга чиқишларни Буюртмачини розилиғисиз амалга оширса ҳамда бу четга чиқишлар қурилиш сифатига таъсир этмаганлиги исботласа жабовгар ҳисобланмайди.

18. Агар Буюртмачи Пудратчи ва/ёки унинг субподратчилари томонидан ишларни сифатсиз бажарилганлиги аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучи билан ва қурилиш қийматини оширмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини қайта тиклаш учун келишилган муддатларда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 18 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган холлар бундан мустасно.

19. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкаси ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврда майдондан қурилиш ахлатларини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

20. Ишлар бошанган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва халатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг ўзил-кесил муддатига таъсир қилиш мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларининг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтаридан ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтаридан Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни ўн кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини кўриб, ёзма ахборот бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **Х. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.**

21. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавабгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатларни юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

22. Агар енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

23. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **ХI. Қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш.**

24. Ичимлик сув тармоғи объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек мукамал таъмирлаш объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида амалга оширилади.

25. Объектлар уларнинг фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

26. Пудратчи қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ, Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда уч нусхада ижро ҳужжатларини тақдим этади. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши зарур.

#### **ХII. Кафолатлар.**

27. Пудратчи:

- ✓ Барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- ✓ Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ✓ ишларни қабул қилиш ва объектни фойдаланиш кафолатли муддатида аниқланган камчиликларни ва нуқсонларни ўз вақтида ва сифатли бартараф қилишни;
- ✓ объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

29. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига ўзайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

30. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тўзишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Давархитектқурилишназорат органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

31. Буюртмачи:

- ✓ шартнома кучга киргандан кейин ишлар бошланиши Буюртмачи ва Инвесторга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ✓ ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- ✓ Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- ✓ Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

32. Пудратчи:

- ✓ Инвестор томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- ✓ Конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилиниши талаб қилиш ҳуқуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда, Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра қурилиши тугалланган объект бир ой муддатда Буюртмачига топширилади.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборadi.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

36. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

### **XIV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги.**

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармасдан ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- ✓ иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Конунида ва амалдаги бошқа конунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган бошқа тартибда ҳам жавобгар булади.

38. Мазкур шартноманинг мажбуриятларга риоя қилмаганлиги, учун Инвестор Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи микдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Инвесторни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

39. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи микдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий сўммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пудратчи ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарилмаганлиги учун ундирилган неустойка Инвесторга тегишли бўлади.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни ёки хизматларни бажарилишини кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

40. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, Буюртмачи объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи микдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

41. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бўзган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

42. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

43. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

### **XVI. Алоҳида шартлар.**

44. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган, томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йукотади.

45. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз субпудратчилардан ташқари бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

46. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

47. Буюртмачи, Инвестор билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчилар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқланиши лозим.

48. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади ҳамда шартнома газначилиқдан рўйхатдан ўтгандан сўнг (Бюджетдан маблағ олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2850-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси қоидалари” га асосан) амал қилиш муддати **31 декабрь 2022 йилгача** белгиланади.

49. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

### **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

#### **БУЮРТМАЧИ**

Наманган сувтаъминот МЧЖ Наманган туман  
бўлими  
Манзил: Наманган туман

х/р 22638000900306912372

СТИР 200048456 МФО 00223

Банк: Ипотека банк Наманган филиали

Телефон: 99-003-19-71

Раҳбар: С.Мамадалиев

(Имзо)



М.ў.

#### **ПУДРАТЧИ**

«ROYAL LUX SAVDO QURILISH» МЧЖ

Манзил: Адрес: Наманган туман

Чорбоғ МФЙ СТИР 306954690


Х.Р 20208000605154437001 **БАНК**

Наманган т.Микрокредитбанк АТБ

Тошбулок ф. МФО 00254

Раҳбар: Х.Ташбаев

(Имзо)



#### **ИНВЕТОР**

(Маблағ билан таъминловчи)

Наманган туман ҳокимлиги

Манзил: Наманган вилояти Наманган туман

Мустақиллик 5 йиллиги кўчаси 1-уй

ШХВ 401722860142127063100018007

МФО 00014 Тошкент Марказий банк ХККМ

ИНН 2000881630 ОКОНХ 97160


Намангантуман Газначилик бўлинмаси

Х.р 23402000300100001010

Тошкент ш ХККМ МФО 00014

Раҳбар: С.Мўминов

(Имзо)



Наманган туман ҳокимлиги Бош юристконсулт



## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“29” июн 2022 йил

Наманган туман

Наманган тумани ҳокимлиги томонидан тумандаги Паст қиёт МФЙ ҳудудида Ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш ишлари учун 2022 йил 17 июндаги даги 104883 - сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Паст қиёт МФЙ ҳудудида Ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684- сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «ROYAL LUX SAVDO QURILISH» МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан голиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Харид комиссияси раиси:



А.Ахмадалиев

Харид комиссияси котиби:

А.Маматов

21.03

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 104883 на приобретение Услуги по капитальному ремонту наружной сети водоснабжения

Способ проведения электронный

Дата 25.06.2022

Время рассмотрения 24.06.2022 20:09

Конкурсная комиссия Наманган туман хокимлиги, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AXMADALIYEV A'ZAMJON ABDULVOXIDOVICH	Комиссия раиси	Наманган туман хокимлиги
<b>Секретарь комиссии</b>	MAMATOV ABDULBORI ABDULBOQI O'G'LI	Комиссия азоси	Наманган туман
<b>Член комиссии</b>	AKBAROV JAMSHID YODGOROVICH	Хоким уринбосари	Комиссия раиси уринбосари
<b>Член комиссии</b>	TURSUNPO'LATOV AXRORBEB TURG'UNPO'LAT O'G'LI	Комиссия аъзоси	Наманган туман хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	MAMADALIYEV SOBITXON TOJAXMEDOVICH	Директор водоканала Наманганского р-н	Хакимият
<b>Член комиссии</b>	SAIDAZIMOV OMONXON ALIMOVICH	Комиссия раиси уринбосари	Наманган туман хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.06.2022 года № лота 104883.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту наружной сети водоснабжения
Подробное описание	Капитальный ремонт питьевого водоснабжения Паст Киёт МФЙ Наманганского района Наманганской области
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	179 450 000.00
Стартовая сумма	179 450 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Сроки выполнения

Тип: Числовое значение  
Графиками. Сокращение срока выполнения ремонтно-строительных работ никак не должно отражаться на их качестве

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – меньше: от 15 до 30 дней

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO ROYAL LUX SAVDO QURILISH	20	15	20	Системная		
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	20	20	13.75	Системная		

Критерий №2 По спецификации Заказчика

Тип: Текстовое значение

Описание: Письмо об ознакомлении участника отбора со строительной площадкой.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO ROYAL LUX SAVDO QURILISH	10	Письмо в прикрепленном файле	10	Экспертная		
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	10	Мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №3 Техника и механизмы

Тип: Текстовое значение

Описание: Перечень техники, механизмов и инструментов для обеспечения качественной услуги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO ROYAL LUX SAVDO QURILISH	15	Перечень техники и механизмов в прикрепленном файле	14	Экспертная		
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	15	Мавжуд	12	Экспертная		

Критерий №4 Опыт работы

Тип: Текстовое значение

Описание: Список аналогичных работ за последние 3 (три) года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		Список файле				



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	20	Мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №5 Данный о персонале

Тип: Текстовое значение

Описание: Сведения о сотрудниках и рабочего персонала стаж работы.наличие дипломированных инженеров

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ROYAL LUX SAVDO QURILISH	15	Сведения о сотрудниках в прикрепленном файле	15	Экспертная		
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	15	Мавжуд	11	Экспертная		

Критерий №6 Документ

Тип: Текстовое значение

Описание: Документ подтверждающий регистрацию участника отбора в госорганах(гувохнома, устав и т.д.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО ROYAL LUX SAVDO QURILISH	10	Документ подтверждающий регистрацию в прикрепленном файле	10	Экспертная		
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	10	Мавжуд	9	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	179 450 000.00	179 450 000.00	24.06.2022 14:51:24	19.52
ООО ROYAL LUX SAVDO QURILISH	179 450 000.00	175 120 000.00	24.06.2022 11:24:10	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

ALI-UMAR BUILDER МЧЖ	65.5552	19.51741	85.07261
----------------------	---------	----------	----------

ООО ROYAL LUX SAVDO QURILISH	78.2224	20	98.2224
------------------------------	---------	----	---------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 104883 от 25.06.2022 года на приобретение Услуги по капитальному ремонту наружной сети водоснабжения определила победителем:

ООО ROYAL LUX SAVDO QURILISH  
306954690

и резервный исполнитель: ALI-UMAR BUILDER МЧЖ (302030357)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	AXMADALIYEV A'ZAMJON ABDULVOXIDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAMADALIYEV SOBITXON TOJAXMEDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	AKBAROV JAMSHID YODGOROVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURSUNPO'LATOV AXRORBЕК TURG'UNPO'LAT O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAIDAZIMOV OMONXON ALIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Наманган туман молия бўлими  
муdiri

*А. Собиржонов*

"\_\_\_" Апрель 2022 йил



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Наманган туман ҳокими

*С. Мўминов*

"\_\_\_" Апрель 2022 йил

Наманган туман бўйича 2022 йилда жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича  
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Ҳолиб тақлиф маълумотлари			Ҳақиқатда ажратилган (минг сўмда)
	Тақлиф ID рақами	Қисқача мазмуни	Тўплаган овозлари сони	
Наманган туман "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ				4 978 746
<b>Наманган туман Ҳалқ таълими бўлими</b>				
1	860400156	Наманган туман 21-сонли Давлат ихтисослаштирилган Мактаб интернатига таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун	1 659	999 875
2	860400301	Наманган туман Чағир МФЙ 16-умумий ўрта таълим мактабининг 250 метр масофани девор билан ўраш	1 646	160 000
3	860400120	Наманган туман 21-умумий ўрта таълим мактабга янги хожатхона қуриш ва бошланғич ўқув корпусини пол қисмини жорий таъмирлаш керак	1 094	360 000
4	860400022	Наманган туман 30-умумий ўрта таълим мактабини хожатхона биносини жорий таъмирлаш	1 037	80 000
Ҳалқ таълими бўлимига жами ажратилган маблағ				1 599 875
<b>Наманган туман Мактабгача таълим бўлими</b>				
1	860400102	Наманган туман 12-сонли мактабгача таълим ташкилоти худуд атрофини девор билан ўраш, кўмирхона ва хожатхона қуриш	2 070	220 000
2	860400099	Наманган туман 3-сонли мактабгача таълим ташкилоти худуди атрофини девор билан ўраш ва ички хожатхоналарни канализация билан таъмирлаш	1 918	180 000
3	860400117	Наманган туман 26-сонли мактабгача таълим ташкилоти биносини ташқи фасад қисмини таъмирлаш, бино олди ва орқа қисми эшик ромларини янгилаш ва хожатхонани таъмирлаш	937	270 000
4	860400101	Наманган туман 8-сонли мактабгача таълим ташкилоти худуди атрофини девор билан ўраш ва бино орқа қисми эшик ромларини янгилаш	935	240 000
Мактабгача таълими бўлимига жами ажратилган маблағ				910 000
<b>Наманган туман Тиббиёт бирлашмаси</b>				
1	860400196	Наманган туман Тиббиёт Бирлашмасининг моддий техник базасини яхшилаш учун зарур ускуналар сотиб олиш учун	2 102	400 000
2	860400341	Наманган туман Тиббиёт Бирлашмасининг ички хожатхонасини замонавий тартибда таъмирлаш	1 996	140 000
Тиббиёт бирлашмасига жами ажратилган маблағ				540 000
<b>Наманган туман Ободонлаштириш бошқармаси</b>				
1	860400318	Коракўл МФЙ Норин ва Норин 1 кўчаларига тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш	1 809	50 000
2	860400314	Наманган туман Миришқор МФЙ Миришқор қабристонига худудига Ёзги айвон ва кириш эшигига дарвоза ўрнатиш керак	1 010	200 000
3	860400293	Наманган туман Курмак МФЙга Тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш	987	150 000
Ободонлаштириш бошқармасига жами ажратилган маблағ				400 000
<b>Наманган туман ҳокимлиги</b>				
1	860400302	Наманган туман Шамсиқўл МФЙ Шамсиқўл кўчасида 2-тип Спорт комплексини қуриш	1 434	580 000
2	860400285	Наманган туман Паст қиёт МФЙ худудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш	1 068	185 000
3	860400305	Наманган туман Эшобод МФЙ худудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун	1 015	92 000
4	860400310	Наманган туман Элатан МФЙ худудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун	953	130 000
5	860400309	Наманган туман Қўрғонча МФЙ худудига тоза ичимлик суви тармоғини тортиш учун	836	76 000
Наманган туман ҳокимлигига жами ажратилган маблағ				1 063 000
Наманган туман бўйича жами ҳолибларга ажратилган маблағ				4 512 875
Тақсимланмаган маблағ*				465 871